O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
26 OKTABR
SHANBA
№ 132 (26.991)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

## БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Бухоро қишлоқ хўжалиги коллежида бу йил илк бор 300 нафар битирувчига мутахассислик дипломи топширилди. Мамлакатимиздаги энг яхши илм масканларидан бири саналган мазкур даргоҳда қалби эзгу ниятларга тўлиб-тошган 900 нафар ёш таълим олаяпти. Улар келгусида фермер, агроном, ветеринар, иқтисодчи-бухгалтер ва қишлоқларда қайта ишлаш корхоналарининг малакали мутахассислари бўлиб етишади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоқларига ўндан ортиқ ихтисослик бўйича кадрлар етказиб бераётган намунали коллеж тасарруфида қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган барча турдаги техника воситаларини таъмирловчи устахона ҳамда 15 гектарлик ёрдамчи хўжалик ҳам бор. Когон тумани ҳудудида эса бўлажак аграрчилар учун 131 гектар майдонни эгаллаган ўзига хос ўқув-тажриба майдони коллеж жамоаси ихтиёрига берилган. Талабалар бу ерда назарий билимларини амалда синовдан ўтказишади.

✧✧✧

**Суратда:** коллежнинг бир гуруҳ талабалари.



■ Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат

«ПАХТА — 2002»



### РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Газетамиз саҳифаланаётганда Самарқанд, Нарпай ва Шаҳрисабз туманлари пахтакорлари давлатга пахта сотиш йиллик шартномавий режаларини шараф билан бажарганликлари ҳақида хабар олинди.

Зафар қучган туманларнинг далаларида ҳали ҳосил мўл, терим давом этмоқда.

## ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИДА СУДЛАРНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунларни суд амалиётида қўллашнинг айрим масалаларига бағишланган қўшма пленуми бўлиб ўтди.

Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов бошқарган мазкур пленумда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожи тараққиёт омили, давлат қудрати, халқ фаровонлиги манбаи экани таъкидланди. Шу боис ишбилармонлик ва тадбиркорлик соҳалари ривожи учун зарур имкониятларни яратиш, бу борада қонунчилик ва амалиётда бошланган ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш лозимлиги қайд этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда икки юз мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъекти фаолият кўрсатяпти. Хусусий тармоқ вакилларининг иқтисодиётимиздаги ўрни кенгайиб, сони йилдан-йилга ортмоқда. Яратилаётган шароит ва имтиёзлар туфайли қаддини тиклаётган тадбиркорлар сафи кенгаяётгани қувонарли ҳол, албатта. Шу билан бирга айрим ҳолларда мазкур тармоқни ривожлантириш йўлида сунъий тўсиқлар, бюрократия ҳамда тўрачилик каби иллатлар ҳам учраб турибди.

(Давоми 3-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида:**

1. Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, ноҳукумат жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси барча, шу жумладан хорижий ташкилотлар, уюшмалар, компания ва фирмаларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг иштирок этишлари учун очиқ бўлган халқаро ноҳукумат жамоат ташкилоти ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдиришга кўмаклашиш;

болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан халос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанига меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакати учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

биринчи навбатда қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлаш;

болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишини таъминлашни назарда тутган ҳолда тиббиёт муассасалари ва ташкилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

ҳудуд аҳолисининг зичлигини, спорт машғулотига жалб этиладиган болалар сони, жинси ва ёшини эътиборга оладиган болалар спорт майдончалари ва комплексларининг илмий асосланган намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

болаларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубларини, жинси ва ёшига қараб болаларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва марказларидаги машғулотларга танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда уларни татбиқ қилишга кўмаклашиш;

(Давоми 2-бетда)

### Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билан БАЁНОТИ

Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида тинч аҳоли орасидан бир неча юз нафар киши гаровда ушлаб турилгани тўғрисидаги хабар Ўзбекистонда чуқур ташвиш ва хавотир билан қабул қилинди.

Ўзбекистон фуқаролар ҳаёти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган ҳар қандай террорчилик ҳаракатини кескин қоралайди. Террорчилик амаллари ва қўрқитиш йўли билан муайян мақсадларга эришиш ёки вужудга келган муаммоларни ҳал этишга қаратилган уринишлар мутлақо номақбулдир.

Ўзбекистон вужудга келган танглик соғлом фикр асносида бартараф этилиши ва гаровда сақланаётган инсонлар ҳаёти сақлаб қолинишига умид билдиради.

✧✧✧

Москвада рўй бераётган воқеалар нафақат МДҲ мамлакатларидаги, Россиядаги, балки бутун дунёдаги одамларни ташвишга солмоқда. Москва марказидаги Маданият уйида бир гуруҳ террорчилар юзлаб бегуноҳ одамларни гаровда ушлаб турибди. Москвадаги воқеалар — халқаро террорчилик фаоллашганининг яна бир кўринишидир. Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида амалга оширилаётган портлашлар, одамларни гаровга олишлар, қотилликлар шундан далолат бермоқда.

Улар қўпорувчи, экстремистик кучларнинг одамлар орасида қўрқув ва ваҳимани кучайтириш, муайян мамлакатлар ва бутун минтақаларда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, узоқни кўзлаган жиноий режаларига эришиш ва бу йўлда тинч аҳоли орасида ҳар қандай қурбонлардан қайтмасликка уринишлари билан узвий боғлиқ.

24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида йиғилиш бўлиб ўтди. Унга барча ҳарбийлашган тузилмалар, шунингдек, аҳоли тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлиги учун бевосита масъул вазирликлар ва идоралар раҳбарлари таклиф этилди. Йиғилишда мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича қабул қилинган ҳукумат ҳужжатлари ва Президент қарорларининг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда барқарор вазият ва одамлар тинчлигини бузишга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда террорчилик ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ҳарбийлашган тузилмаларнинг профилактика ишларини кучайтириши лозим бўлган аниқ участкалари белгиланди.

Йиғилишда аҳолига хушёрликни ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда фаол фуқаролик мавқеини эгаллаш, «Ўз уйингни ўзинг асра!» шиорини ҳаётга татбиқ этишнинг зарурлигини тушунтириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан бу масалаларни ҳал этишда ички ишлар идораларининг профилактика бўйича нозирлари ва маҳалла қўмиталарининг масъулиятини ошириш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

■ **(ЎзА)**

### Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг Москвада террорчилар томонидан кўп сонли тинч фуқаролар гаровга олинганлиги муносабати билан БАЁНОТИ

Сайёрамиздаги барча эзгу ниятли кишилар Москва шаҳридаги маданият уйларидан бирида жойлашган Театр марказида бўлган 700 нафардан зиёд томошабинлар ва артистлар бир гуруҳ қуролланган жангарилар томонидан гаровга олинганлиги тўғрисидаги ташвишли хабарни изтироб ва қаҳр-ғазаб билан кутиб олдилар.

Партиямиз аъзолари, барча ватандошларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг шу муносабат билан эълон қилинган Баёнотини тўла қўллаб-қувватлашига ишонамиз. Зеро, халқимиз терроризмнинг нималигини орқаваротдан билгани йўқ.

Биз мураккаб муаммоларнинг зўравонлик, айбсиз одамлар ҳаётига хавф туғдириш воситасида ҳал этилишини, жиноятчиларнинг, тинч аҳолига нисбатан ушбу ваҳшиёна ҳаракатларини қатъий равишда қоралаймиз ва барча гаровга олинганлар дарҳол озод этиладилар, қон тўкилишига йўл қўйилмайди, деган умид билдирамиз.

Терроризмга ўрин йўқ!

*Тошкент шаҳри, 2002 йил 25 октябрь.*

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

## ТЕРРОРИЗМ — ДАҲШАТЛИ ҚИЁФА

### ЁХУД УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТНИНГ ЯКДИЛ БЎЛИШИ ВА ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ҲАҚИДА

**«...Эй, одамзот, кўзингни оч, огоҳ бўл, бугун терроризмнинг даҳшатли қиёфасини англаш вақти етди».**

**Ислом КАРИМОВ**

*(Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг 1999 йил Истанбулда бўлиб ўтган анжуманида сўзлаган нутқидан.)*

Мустақилликда ўтган ўн бир йиллик йўлларга хаёлан назар ташланг. Муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **«...ўн йил давомида янги ҳаёт, янги жамият қуриш борасида оламшумул воқеаларга бой бўлган тарихий йўлни босиб ўтдик... Ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадлар сари қатъият билан интилиб, тинимсиз меҳнат қилдик, ҳар қандай қийин шароитда ҳам танлаб олган йўлимиздан қайтмадик...»**

Дарвоқе, Ватанимиз тараққиёти, халқ фаровонлиги каби олижаноб мақсадлар атрофида сиёсий ва ижтимоий кучлар жипслашаётгани, элимизнинг иродаси, салоҳияти ва куч-қудрати сафарбар этилаётгани — барчаси бизни қувонтиради, суюнтиради, келажакка бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди. Айни пайтда бу мақсадлар, бу жипслик ва салоҳият бизни бугунги кунда бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаётган **халқаро терроризм**га қарши жаҳон ҳамжамияти бошлаган курашда доимо сафарбар ва огоҳ бўлишимизни ҳам тақозо этади. Президентимизнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида қилган чорловчи сўзларини ёдга олинг: **«Такрор айтаман: тинчлик учун, эртанги кунимизнинг осойишта ва ёруғ бўлиши учун барчамиз қатъият билан курашмоғимиз зарур».**

Бундай мурожаат, даъват ва чорловчи сўзлар бекорга айтилаётгани йўқ, албатта. Ёнгинамизда — Афғонистонда рўй берган террористик, қўпорувчилик, диний экстремистик, миллатчилик, маҳаллийчилик ҳаракатлари нималарга олиб бориши ва жаҳон ҳамжамияти лоқайд бўлса-ю, бу қора кучлар газак олса дунёда қандай вазият юзага келиши мумкинлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўрайлик. Масалан, Жазоирдаги «Ваҳҳобийлар», «Мусулмон биродарлари», «Ҳизбут-таҳрир», Афғонистондаги «Толиблар», Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон мамлакатларида «Ҳизбуллоҳ», «Ислом Жиҳоди», Японияда «АУМ Синреки», Европада «Ирландия республикачилар армияси» ва бошқа ҳаракатлар ҳар хил ноинсоний режалари билан ўз таъсир доирасини жаҳон бўйлаб кенгайтиришга уринмаяпти деб ким кафолат беради?!

Халқаро терроризм ва диний экстремизм хавфи ҳақида сўз борганда, ҳозирги унча оддий бўлмаган бир даврда ушбу ёвузлик ҳақида фақат эшитибгина қолмаганимизни таъкидлаш ўринлидир. Зеро, ўзбекистонликлар кўп синовлардан ўтди, жумладан, террорчиликнинг қонли башарасини ҳам кўрди. Мана энди халқаро террор Россияга ҳам хавф солмоқда. Москвадаги Театрлар маркази биносида кўплаб одамларни гаровда ушлаб, улар жонига таҳдид қилиб, ҳукуматга катта талаблар қўйиши халқаро террор ҳар қадамида тинчликка раҳна солишини яна бир бор англатди. Шу боис, халқимиз «Аср вабоси» — наркобизнесдан тушаётган маблағ ҳисобига пухта тайёрланган террорчи қотиллар кимлар ва уларга қарши кураш — дунё ҳамжамиятининг вазифаси эканлигини яхши билади.

* * *

Америка Қўшма Штатларида рўй берган машъум қотиллиқлардан сўнг бутун жаҳон аҳли терроризм инсониятга кулфатлар келтирувчи ёвуз кучга айлангани, унга қарши биргаликда курашиш зарурлиги ва бу борада ҳеч ким четда турмаслиги лозимлигини тушуниб етди. Эндиликда ҳатто кучли иқтисодий ва мудофаа салоҳиятига эга, ўз ҳудуди ва чегараларини мудофаа қилишга қодир, халқнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор технологиялари мавжуд ва бунга миллиардлаб доллар сарфлаётган давлат ҳам террорчилар хуружидан ўзини сақлай олмаслиги ойдинлашди.

Биз, шунингдек, ақл-идрок ва инсонийлик қиёфасини йўқотган террорчилар ортида катта молиявий маблағ ва бошқа имкониятларга эга турли экстремистик кучлар ҳамда марказлар турганини, улар ғаразли мақсадларига эришиш учун қабиҳ жиноятлар содир этишга тайёр эканликларини ҳам яхши биламиз.

Инсониятнинг бу кушандалари ўз сафларига иродаси ва дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ёшларни жалб этиб, уларни нафақат қурол билан таъминлашаяпти, балки онгини ваҳшиёна мафкура билан заҳарлаб, шу орқали бошқаришга ҳаракат қилишяпти.

(Давоми 3-бетда)

МУНОСАБАТ

## ҚАБОҲАТ

Башарият ўз тарихида гувоҳ бўлган барча қабоҳатлару разолатларнинг энг мудҳиши, энг тубани терроризм. Терроризм аталмиш бадбахтликнинг турган-битгани одамзотга, башариятга душманликдир.

Дину имони, миллату элати, ватану макони тайинсиз бир ҳовуч террорчилар дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу бурчида қўпорувчилик билан ўнлаб, юзлаб, гоҳо минглаб бегуноҳ одамларни қурбон қилмоқдалар. Шаҳарлар ё мамлакатлар тинч аҳолисини таҳликасига сабаб бўлмоқдалар. Америка Қўшма Штатларида ўтган йили сентябрь ойида содир этилган мудҳиш жиноятлар, уч кундан буён бутун дунёнинг эътиборини тортиб турган Москвадаги разолат бангинамо террорчилар учун мамлакатларнинг буюклигию давлатларнинг мустаҳкамлиги аҳамиятсиз эканини кўрсатмоқда. Дунёнинг турли бурчакларидан келган халқлар вакиллари ва Москванинг туб аҳолисидан иборат бўлган 700 дан зиёд томошабиннинг ҳаётини барбод қилиш билан қўрқитаётган, бадкорлик қилаётган кимсаларнинг хатти-ҳаракати ҳар бир соғлом одамда нафрат уйғотаётгани табиий ҳол.

Бугун бир Ер куррасида яшаб туриб, унинг қай бир нуқтасидаги ножамликка бефарқ қараб бўлмайди. Чунки, терроризм ҳамма ерда пайдо бўлиб қолаверадиган балога айланди. Дунёдаги катта-кичик давлатлар раҳбарларининг, мамлакатлар халқларининг Россия билан бирдамлик изҳор этаётганлари шундан. Бундай қабоҳатни бошидан кечирган ўзбек халқи ҳам россияликлар билан ҳамфикр ва ҳамдард.

■ **Ҳабиб САЪДУЛЛА,**
**Ўзбекистон халқ шоири**
*Наманган.*

## ИНСОНИЯТ ТИНЧЛИГИГА ТАҲДИД

Москвада содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида бир неча юз нафар кишининг гаровда ушлаб турилгани Ўзбекистон ХДПнинг Тошкент вилоят ташкилотидаги аъзоларини ҳам ташвишлантирди.

Афсус-надоматлар бўлсинки, дунёдаги турли минтақаларда ҳаракат қилаётган террорчилар ғаразли мақсадларига етиш ниятида тинч аҳолига нисбатан зўравонлик қилиш, бегуноҳ кишиларни гаровга олиш, уларнинг ҳаётига хавф туғдириш учун ҳар қандай қабиҳлик йўлидан қайтмаяптилар.

Терроризмнинг нақадар оғир мусибат эканлигини бу фожиани ўз бошидан кечирган халқимиз чуқур ҳис қилади.

Шундан келиб чиқиб, биз Президентимиз ҳузурида мазкур масалада ўтказилган мажлис хулосалари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг Москвада юз берган террорчилик ҳаракати юзасидан баёнотларини тўла-тўкис маъқуллаймиз. Шу билан бирга, барча ватандошларимизни мустақилликни мустаҳкамлаш, келажаги буюк Ўзбекистоннинг янада равнақ топиши учун бир жон, бир тан бўлиб танлаган йўлимизга таҳдид солаётган хавф-хатарлардан огоҳ бўлишга даъват этамиз.

■ **Сирожиддин АЪЗАМОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

болаларни жисмоний тарбиялашнинг илмий асосланган замонавий тизимлари, шакл ва услубларини жорий этиш, болалар спорти бўйича устозлар ва педагог кадрларни мамлакатнинг етакчи илмий ҳамда таълим марказларида ва чет элларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида республика Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, клуб ва ташкилотлари билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш;

болалар оммавий спортини ривожлантириш, истиқомат жойларида техникавий жиҳозланган, замонавий болалар спорт комплексларини барпо этиш аҳамиятини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш, ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришга жамоатчиликни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик вакилларини, корхона ва ташкилотларни, шу жумладан халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш;

мамлакатимиз ҳамда чет эл инвестицияларини, ҳомийлик маблағлари ва грантларни болалар-ўсмирлар жисмоний тарбия ва спорти соҳасига кенг кўламда жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, мамлакат шаҳар ва туманларида Жамғарма бўлимларини очиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

4. Қуйидагилар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг асосий манбалари этиб белгилансин:

давлат бюджети (республика ва маҳаллий бюджетлар) маблағлари;

Жамғарма муассисларининг пул бадаллари;

Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, ташкилот ва клубларининг пул маблағлари;

хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтларнинг грантлари ва улар томонидан бериладиган беғараз ёрдам;

хўжалик юритувчи субъектлар, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳам, норезидентлари ҳам бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалари ва ҳомийлик маблағлари;

Жамғарма фаолиятидан, шунингдек Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида у таъсис қилган корхона ва ташкилотларнинг фаолиятидан олинадиган даромадлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси:

ташқи иқтисодий ва халқаро спорт фаолиятини амалга ошириш, банкларда миллий ва хорижий валюталарда ҳисоб варақлар очиш ҳуқуқига эга;

унинг низомидаги мақсад ва вазифаларга қатъиян мувофиқ бўлган асосий фаолият турлари бўйича барча турдаги солиқларни, божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун тўланадиган йиғимлар бундан мустасно) ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўлов ва йиғимларни тўлашдан озод қилинади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахсларнинг, шунингдек жисмоний шахсларнинг таъсис бадаллари ёки ҳомийлик ёрдами тарзида Жамғармага ўтказиладиган маблағлари солиққа тортиш базасидан чиқарилади.

Жамғарманинг тижорат ва савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланиши истисно этилади.

6. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар ҳамда бошқа хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятига кенг миқёсда кўмаклашиб, ҳар томонлама ёрдам берсинлар.

7. «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлашга ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари беришга номзодларни тақдим этиш чоғида Жамғарма Васийлик кенгашининг фикри ҳал қилувчи деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари Жамғарма фаолиятини кенг кўламда ёритиб, мамлакатда болалар-ўсмирлар оммавий спортини ривожлантириш ишидаги ижобий тажрибани тарғиб қилсинлар, шунингдек Жамғарманинг фаол ҳомийлари ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватланишини, шу жумладан реклама қилинишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 24 октябрь

# ОРОЛБЎЙИ: АМАЛИЙ ИШ ВА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР




Газетамизнинг олдинги сонларидан бирида қуриб бораётган Орол денгизи яқинидаги чучук сув манбаи — «Судочье» кўлига оби ҳаёт тўплаш бошлаб юборилганлиги, хусусан Оққум дамбаси қурилиб, мустақиллигимизнинг 11 йиллик тўйи арафасида фойдаланишга топширилганлиги тўғрисида хабар берган эдик.

Оролнинг қибла томони — Устюрт текислиги (платоси)нинг шарқида, Қўнғирот ортида жойлашган «Судочье» кўлининг сатҳи ўтган асрнинг 50-йилларида 40 минг гектарни ташкил этганлигининг ўзиёқ бу оби ҳаёт манбаининг бир пайтлар Орол денгизи учун нечоғли аҳамиятли бўлганлигини кўрсатади. Кўл унчалик чуқур бўлмаса-да, тўртта катта ҳавзани ўз ичига олиб, «Оққушпа», «Бегдулла ойдин», «Қоратеранг» ҳамда «Катта Судочье»лардан иборат эди. «Судочье»нинг асосий оби ҳаёт манбаи эса Бош чап қирғоқ ва Устюрт коллекторларидир. Ушбу кўл илгарилари балиқхўр бўлмаган қушлар учун ажойиб макон эди, куз мавсумида 70 мингдан зиёд қушларга ҳам бошпана, ҳам озуқа манбаи бўлиб хизмат қилган. Шу кунларда Қизил китобга кирган оққуш, мармарчироқ, оқбошли савка сингари кўплаб қушларни кўлда учратиш мумкин бўлган.

Бир пайтлар Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга олиб келиш билан боғлиқ лойиҳалар, режалар бор эди. Ўша хомаки чизмалар, лойиҳалар шўролар даврида қоғозларда қолиб кетди. Лойиҳа устида кўтарилган баҳс-мунозаралар барҳам топди. 1962-63 йилларда Орол қуриб бораётганлигини биринчилардан бўлиб сезган маҳаллий балиқчиларнинг фикрлари инобатга олинмади. Оқибатда Оролдай улкан бир денгиз фалокат ёқасига келиб қолганини сезмадик. Эндиликда эса унинг сабабини фақат пахта яккаҳокимлигига йўймоқдамиз.

Шу кеча-кундузда «Судочье»нинг асосий ҳавзаларидан бири «Катта Судочье»ни сақлаб қолиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бу борада эришилаётган ютуқлар ҳам кўзга ташланиб қолди.

— Сўнгги йиллардаги қурғоқчилик аҳволни янада кескинлаштирди ва тезкор чоралар кўришни талаб этмоқда, — дейди Оролни қутқариш халқаро жамғармаси GEF лойиҳаси агентлиги «Е» Компоненти директори Серик Пернабеков. — Мазкур муаммони ҳал этиш чораларидан бири Амударё дельтасидаги сув ҳавзаларининг шўрланиш режимини яхшилаш ҳисобига Оролбўйидаги сувли ҳамда ботқоқ ерларни тиклашни асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Сув ресурсларидан ва атроф-муҳитдан оқилона фойдаланиш лойиҳасининг «Е» Компоненти, яъни «Судочье» кўлининг сувли-ботқоқли ерларини тиклаш» лойиҳаси мазкур муаммони ҳал этишдаги дастлабки қадамдир. Ундан ташқари, «Судочье» теварагининг экологик аҳволини тиклашнинг яна бир аҳамияти бор. У ҳам бўлса, ҳозирги вақтга қадар бу кўл Оролбўйидаги минтақавий ва глобаль биологик хилма-хиллик сақланиб қолган жой сифатида ҳам ўзининг ноёб хусусиятларини йўқотмаган ва шуниси билан ажралиб туради. Ҳозир биргина ҳавза, яъни «Катта Судочье»ни сақлаб қолиш, уни илгаригидек ҳолатга келтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Афсуски, «Судочье» кўлининг қолган учта ҳавзасига ҳаёт бахш этиш ҳали-ҳануз армонлигича қолаётир. Хайриятки, давлатимиз сув танқислигига қарамай, Мўйноқ атрофида табиий ҳолатни қайта тиклаш, чучук сув манбаини оби ҳаётга тўлдириш ишларига алоҳида аҳамият берди. Кўлни қайта тиклашда Голландиянинг «Ресурс Анализис» фирмаси лойиҳасига таянилди. «Судочье» чучук сув манбаини қайта тиклаш йўлида дастлабки амалий ишларни олиб бориш халқаро тендер танловида ғолибликни қўлга киритган хитойлик мутахассисларга топширилди. Қурилиш Хитой фирмаси қурувчилари ва маҳаллий ёрдамчи пудратчилар томонидан амалга оширилди. Биринчи босқичда узунлиги 10,5 километр келадиган 2 та экологик хандақ қуриб битказилди ва яна иккита мувофиқлаштирувчи иншоот барпо қилинди. Зарур иншоотларнинг бирида реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. 37 километр узунликдаги дамба қурилиши поёнига етказилди. Жорий йилнинг август-сентябрь ойларида 2,72 миллион АҚШ долларилик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Жадал суръатдаги бундай қурилишлар Оролнинг сув-шўрланиш режимини тиклаш ва яхшилаш, «Судочье» кўлининг биологик жиҳатдан хилма-хиллигини ҳамда самарадорлигини сақлаб қолиш имконини беради. Ундан ташқари, яна бир аҳамиятли томони — кўлда сув оқимини таъминлаш ва бошқариш лойиҳа зонасида маҳсулдорликни ошириш, бу ердаги ҳаёт тарзини яхшилаш, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик қушлар учун қулай шароитлар барпо қилишда қўл келади.

Бир сўз билан айтганда, Орол теграсида катта ишларга қўл урилмоқда. Биз буни биргина «Судочье» кўли мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Денгиз атрофида янги чучук сув манбаининг юзага келиши — минтақадаги экологик муҳитнинг яхшиланишига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатиши табиий.

**■ Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## НАВБАТДАГИ СИЁСИЙ СЕМИНАР

2002 йилнинг 25 октябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида «Сиёсий партиялар Давлат-Жамият-Парламент муносабатлари тизимида» мавзуида сиёсий семинар бўлиб ўтди. Унда ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзолари, партия ходимлари, Марказий Кенгаш ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи аъзолари, сиёсатшунослар, олимлар, партия матбуоти журналистлари иштирок этдилар.

Семинарда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг «Ўзбекистонда парламент ислоҳоти — вакиллик демократиясининг жаҳон андозаларига босқичма босқич ўтиш» ва Россия Федерацияси Давлат Думаси депутати, «Единая Россия» партиясининг Бош Кенгаши аъзоси, Халқаро алоқалар бўйича комиссияси раиси Александр Владиславлевнинг «Сиёсий партияларнинг манфаатлар мутаносиблигини парламент йўли билан таъминлашдаги ўрни» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Тошкент Молия институти кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори Нормурод Маматов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари Андрей Орлов, Ўзбекистон ХДП МК масъул ходими Михаил Ельшов, Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши биринчи котиби Аваз Саидов ва бошқалар маърузалар муҳокамасида иштирок этиб, мамлакатимизда бошланаётган парламент ислоҳотининг моҳияти ва аҳамияти, унда сиёсий партияларнинг ўрни ва вазифалари, профессионал парламентнинг афзалликлари, партия ва сайловлар, сиёсий партиялар ва матбуот ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Сиёсий семинар ишида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дмитрий Рюриков иштирок этди.

## ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

**Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгашининг** пленумида «Чирчиқ шаҳар партия кенгаши ва бошланғич партия ташкилотларининг ХДПдан Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган депутатлар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари тўғрисида» мазкур партия кенгаши котиби С.Йўлдошевнинг маърузаси муҳокама этилди. Музокараларда Чирчиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари М.Иброҳимова, 20-маҳалла бошланғич партия ташкилотининг котиби Д.Алимова, 7-мактаб илмий бўлими мудири, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Н.Туманова, «Чирчиқнон» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси А.Жўрабоева, тадбиркорлар уюшмаси бошланғич партия ташкилоти котиби А. Пронин ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Пленум якунида бир гуруҳ партия фаолларига Ўзбекистон ХДП ташкил топганининг 11 йиллиги муносабати билан фахрий ёрлиқлар, партия сафига кирган ёшларга партия билетлари топширилди.

**Андижон шаҳар ва Бўз туман партия кенгашларида** «Демократик ислоҳотларнинг янги босқичида ХДП ташкилотларининг вазифалари» мавзуида бошланғич партия ташкилотлари котибларининг семинарлари ўтказилди. Йиғилишларда партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишларининг шакл ва услублари, партия матбуот нашрларига обунани уюшқоқлик билан ташкил этиш масалаларига эътибор берилди.

**ХДП Балиқчи туман кенгаши,** Х.Эргашев номли ширкат хўжалиги ҳудудий партия ташкилоти негизида, «Диний экстремизм — хавфли иллат» мавзуида семинар-кенгаш ўтказди. Семинарда тумандаги 22 та ҳудудий партия ташкилотларининг котиблари ва фаоллари қатнашдилар. Унда сўзга чиққан ХДП Балиқчи туман кенгаши биринчи котиби Р.Норбоев, ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Х. Эргашев, туман бош имом-хатиби А.Бобоев ва бошқалар халқимизни демократик тараққиёт йўлидан оғдирувчи инсонларнинг қора ниятларини рўй-рост очиб бердилар.

МАЪНАВИЯТ

# САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

**Бу — китоб. Унга бўлган муносабат ва эҳтиёж, республика кутубхоначилигидаги бугунги ҳолат, янги ахборот технологияси муаммолари ҳақида Бухорода Интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда атрофлича сўз юритилди**



Маълумки, башарият тарихидаги буюк кашфиётлардан бири китобдир. Бинобарин, инсон қалбига илм-маърифат нури, энг аввало ана шу мўъжизавий восита орқали кириб боради. Улуғларнинг, ўзимдаги энг яхши хислатларни китобдан деб биламан, деган иқрори ҳам буни далиллайди. Зеро, китоб ҳамиша инсонга содиқ дўст, гавҳари шамчироқ бўлиб келган, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Шу боис инсоният тарихидаги янги босқич — глобаллашув ва ахборот асрида ҳам буюк аждодларимиз эзгу анъаналарини давом эттириш, замонавий фан-техника имкониятларидан фойдаланган ҳолда уларни янги маъно-мазмун билан бойитиш жуда муҳимдир. Айнан шу мақсадда мустақиллик йилларида фойдали саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Ўзбекистон кутубхоначилигида йиғилган бой тажрибаларни тарғиб қилиш, хориждан ўрганиш, соҳа ходимлари фаолиятини ошириш назарда тутилган ҳолда турли халқаро анжуманлар ўтказилаяпти.

Дарвоқе, бундан салкам уч йил илгари Самарқандда ўтказилган биринчи халқаро анжуман бу хайрли ишнинг бошланиши эди. Ўшанда конференция якуний ҳужжатлари бир қанча амалий таклифлар билан бойитилганди. Буни қарангки, орадан уч йил ўтгач, ўша таклифлар тўла-тўкис амалга оширилди.

Хўш, бундай халқаро анжуман ташкилотчилари кимлар, бундан қандай наф кўрилади?

Бу саволимизга Ўзбекистон Кутубхоналар ассоциацияси раиси Абдусалом УМАРОВ батафсил жавоб берди.

— Аввало халқаро конференциянинг айнан Бухорода ўтиши сабабларига тўхталсам, — дея суҳбатини бошлади Абдусалом Одилович. — Ҳаммамизга маълумки, Бухорои шариф — жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу юрт асрлар давомида Шарқу Ғарбни боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтабгина қолмай, балки илму ирфон тараққиётига, инсониятнинг интеллектуал ва маънавий камолотига беқиёс ҳисса қўшган буюк даҳоларга бешик ҳам бўлган. Имом Бухорий, Абу Бакр Наршахий, Ибн Сино каби ўнлаб алломаи замонлар шу Шариф шаҳарда тўпланган илм хазинасидан баҳраманд бўлиб, юқори мақомларга эга бўлганлар. Улар қолдирган бебаҳо мероснинг аксарияти бу масканда кўз қорачиғидек асралиши ҳам олижанобликдир.

Мазкур анжуман Ўзбекистон Кутубхоналар ассоциацияси, республика Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Очиқ жамият институти Кўмак жамғармаси, Тошкент давлат юридик институти, Бухоро вилоят ҳокимлиги ва вилоят кутубхоначилар уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилди. Унда жаҳоннинг 22 та мамлакатидан келган кутубхоначилар, олимлар, педагоглар, янги ахборот технологияси мутахассислари, фан ва маданият арбоблари, нодавлат ташкилотлари ва хорижий жамғармалар вакиллари, тадбиркорлар иштирок этдилар. Бу галги II Халқаро анжуман мавзуси Интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларидан фан, маданият, таълим ва бизнес соҳаларида фойдаланишга бағишланди.

Конференция доирасида жуда муҳим мавзулардаги 200 дан ортиқ маъруза ҳамда ахборотлар тингланди.

— Бу анжуман бошқаларидан тубдан фарқ қилди, — дейди Латвия миллий кутубхонаси директори Андрис Вилкс, — мен Бухородан катта маънавий озиқ ва таассурот олдим. Бу ердаги тарихий обидаларнинг асралиши, вилоят кутубхонасининг китоб фонди нақадар бойлигидан ҳайратландим.

Ҳа, ҳар бир иштирокчида ўзгача қониқиш, ўзгача таассурот. Чехия техникавий кутубхонаси директори Мартин Свобода, Электрон кутубхоналар ва янги ахборот технологияларидан фойдаланувчилар ҳамда уларни ишлаб чиқарувчилар халқаро ассоциацияси президенти, Россия давлат илмий-техника кутубхонаси директорининг биринчи ўринбосари Яков Шрайберг, Британия кенгаши директори, Англиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ва таълим бўлими вакили Н. Ман Бейн, Литва миллий кутубхонаси директори ўринбосари Регина Мариене, Америка Қўшма Штатлари кутубхоналар ассоциацияси бўлим бошлиғи Дона Маккул ва бошқаларнинг қилган маърузалари эса ҳамюртларимиз иш фаолиятида, айниқса кутубхоналарнинг ахборот тизимини яратиш, миллий электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда фойдаланишда муҳим аҳамият касб этиши ҳеч шубҳасиздир.

Биз мақоламиз аввалида саккизинчи мўъжиза — китоб ҳақида сўз юритгандик. Шу ўринда мамлакатимизда унга бўлган муносабат ва эҳтиёж қандай деган савол ҳам кўндаланг туриши сир эмас. Конференцияда таъкидланганидек, ҳали бу борада ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 17 мингга яқин оммавий ҳамда турли вазирлик, идораларга мансуб махсус кутубхоналар фаолият кўрсатаяпти. Республика кутубхоналарининг заҳираси 140 миллиондан ортиқ китоб ва бошқа ахборот заҳираларини ташкил этади. Булар орасида олам ва инсоният маданияти ҳақидаги илмий билимларни ўзида акс эттирган ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Миллий университет, СамДУ кутубхонаси, Фанлар академияси, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент вилоятларининг универсал илмий кутубхоналарида сақланаётган 1,5 миллиондан ортиқ нодир қўлёзма ва нашрлар бор.

Кейинги йилларда мамлакатда соҳани ривожлантиришга оид ғамхўрлик ўз самарасини беряпти. Айниқса, олий ўқув юртларидаги кутубхоналар компьютерлаштирилди, кўпчилигида интернет синфлар борлиги, вилоятлардаги универсал кутубхоналар халқаро СОРОС фонди кўмагида Интернетга уланиш имкониятига эришгани бунинг яққол исботидир. Аммо, бу ҳаммаси вилоят марказидаги кутубхоналарнинг имкониятидир. Қишлоқлардаги кутубхоналар фондларини янгилари билан тўлдириш жуда қийин кечаётгани кўпчиликка аён. Мактаб кутубхоналарида лотин алифбосидаги бадиий адабиётлар, қўшимча манбалар жуда тақчил. Шу боис соҳада жиддий ислоҳотларга муҳтожлик сезилиб турибди.

— Кутубхоначилик ишини ислоҳ қилишнинг энг самарали стратегик йўналишларидан бири бу — кутубхоналарда компьютер ва ахборот технологияларини ҳамда Интернет тармоғини изчил равишда жорий этишдир, — деб таъкидланди анжуманда. — Бу талаблар эса Вазирлар Маҳкамасининг халқаро Интернет алоқаларига кенг йўл очиш тўғрисидаги қарори ҳамда Республика Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига тўла мос келади. Катта маблағ талаб қилиниши, жиддий тадқиқотлар ва ҳисоб-китоблар олиб борилишини ҳисобга олиб, кутубхоналарни компьютерлаштириш ва ягона кутубхона тармоғини ташкил этиш муаммосини ҳал қилиш учун «Кутубхоналарни автоматлаштириш давлат дастурини» ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ эмасмикан?

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бу борада фикрлар хилма-хил. Мўйсафид шаҳарда бўлиб ўтган бу йирик анжуман кун тартибига қўйилган барча масалалар атрофлича муҳокама этилди, бу борадаги тажрибалар ўрганилди. Жаҳоннинг кўпгина машҳур фирмалари ташкил этган «Энг замонавий электрон техника» кўргазмаси иштирокчиларнинг янги ахборот технологияси билан танишувига сабаб бўлди. Конференция сўнггида унинг якуний ҳужжати қабул қилинди.

**■ Норбобо ШАКАРОВ, Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари**

## «ПАРВИНА»НИНГ ЯНГИ ЦЕХЛАРИ

**Самарқанддаги «Парвина» компанияси қувватлари йил сайин ошиш билан бирга унда тайёрланаётган маҳсулотлар тури ҳам кўпаймоқда. Яқинда бу ерда компанияга қарашли яна янги ишлаб чиқариш цехлари иш бошлади. Уларнинг бирида вафли ва музқаймоқ учун махсус идишчалар тайёрланса, бирида — турли хил ширинликлар, музқаймоқ, пишлоқ каби маҳсулотларни ўраш ҳамда қадоқлашда ишлатиладиган безакли гул қоғозлар ишлаб чиқарилади.**

**— Ўзига хос мўъжазгина босмахона ўрнини босувчи бу цехимиз ихтисослашган босмахоналар билан ҳам бемалол рақобат қила олади, — дейди цех бошлиғи Амриддин Болтаев.**

✧✧✧

**Суратда:** цех раҳбари Амриддин Болтаев бош муҳандис Салоҳиддин Муҳиддинов билан маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.



■ Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат

# ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИДА СУДЛАРНИНГ ЎРНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида хўжалик судлари томонидан ҳал этилган 30 мингга яқин хўжалик ишидан 11 минг 718 тасида кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этган. Шундан 2 минг 743 таси улар фойдасига ҳал қилиниб, 6,5 миллиард сўм ундириб берилган. Ўтган йилга нисбатан ундириб берилган маблағ миқдори 2,2 миллиард сўм кўпайган.

Ишларни кўриш жараёнида мамлакат иқтисодиётига, айниқса, тадбиркорлик ҳамда кичик ва ўрта бизнес тараққиётига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан хўжалик судлари томонидан кескин чоралар кўрилаётир. Биргина жорий йил тўққиз ойи мобайнида жами 5 мингга яқин шахс жавобгарликка тортилган. Улардан 77 нафарига жиноий жазо чоралари қўлланилган.

Айни вақтда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва эркинликларини чегаралаб қўйишга уринган маҳаллий ҳокимликлар ва давлат назорат органларининг қонунга зид 109 ҳужжати судлар томонидан ҳақиқий эмас, деб топилган.

Пленумда тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ҳамда суд амалиётини янада такомиллаштириш, сифатини, самарадорлигини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қўшма пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Мустафоев, Бош прокурор Р.Қодиров, Олий суд раиси вазифасини бажарувчи А.Ишметов иштирок этди.

■ **Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири**

СПОРТ

Осиё чемпионлари лигаси баҳсларида қатнашаётган Тошкентнинг «Пахтакор» ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари мусобақанинг учинчи босқичи дастлабки учрашувларини сафарда ўтказишганди.

Яман чемпиони «Аҳли Сана» жамоаси меҳмони бўлган фарғоналиклар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишган. Пахтакорчилар эса Қатарда «Ал-Иттиҳод» футболчилари билан куч синашиб, кичик фарқ билан (3:4) ютқазганди.

# «НЕФТЧИ» ВА «ПАХТАКОР» КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

23 октябрда Фарғонада ўтган жавоб учрашувида «Нефтчи» футболчилари «Аҳли Сана» дарвозасига жавобсиз олти тўп йўллашди. Тўпларни Анвар Бердиев, Илья Коваленко (иккитадан), Акмал Холматов, Сергей Лебедевлар киритди.

Кеча ўтказилган «Пахтакор» — «Ал-Иттиҳод» жамоалари жавоб учрашуви ҳам ҳамюртларимизнинг йирик ҳисобдаги ғалабаси билан якунланди — 3:0. Тўпларни Сервер Жепаров, Зайниддин Тожиев ҳамда қатарлик Ал-Ассам (ўз дарвозасига) киритди.

Икки ўйин натижасига кўра, ҳар икки жамоамиз ҳам тўртинчи даврага йўлланма олди. Ноябрь ойида бўладиган навбатдаги босқич учрашувларида «Пахтакор» — «Ал-Аҳли» (БАА), «Нефтчи» — «Истиқлол» (Эрон) жамоалари ўзаро баҳс юритишади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

# ТЕРРОРИЗМ – ДАҲШАТЛИ ҚИЁФА

## ЁХУД УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТНИНГ ЯКДИЛ БЎЛИШИ ВА ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Антитеррористик операция кўринишида бошланган қора кучларга қарши кураш давомли ҳамда муросасиз бўлиши яққол кўриниб турибди. Юртбошимиз 1999 йил Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истанбулдаги анжумани минбаридан туриб шундай деган эди: **«Асримиз вабоси бўлмиш бу жирканч иллатнинг фақат шафқатсиз кўринишларини эмас, балки илдизларига бориб етиб, жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан уни таг-томири билан суғуриб ташлаш — барча давлатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши керак, бу йўлда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз, қаттиқ кураш олиб боришимиз шарт».**

Ўша анжуманда Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида антитеррористик марказ ташкил қилиш, юқорида зикр этилган вазифаларни адо этиш учун бу марказни зарур маблағ билан таъминлаш, унга тегишли ваколат ва ҳуқуқлар бериш масаласини ўртага қўйди. Қолаверса, бундан илгари ҳам, яъни 1993 йили мамлакатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида ҳам Ўзбекистон давлати номидан шу муаммони кўтарганини жамоатчилик яхши билади. Минг афсуски, бу даъватни ўшанда кўплар эшитмади, терроризмнинг даҳшатли қиёфасидан огоҳ бўлмади.

Қачонки, терроризм ўзининг жирканч ва даҳшатли қиёфасини Америка Қўшма Штатларида ҳам кўрсатгандагина, кўплаб давлатларнинг арбоблари бу масалада кўзи очилиб, унинг мудҳиш оқибатларига ақли етиб, Ўзбекистон Президенти — муҳтарам Ислом Каримовнинг олдиндан айтган башорати ва таклифлари мутлоқ ҳақиқат эканлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Ва энди бири-биридан ўзиб, бу борада турли таклифларни ўртага ташлашга шошилдилар. Айниқса, терроризм таъсирини ўз мамлакати мисолида кўриб, ундан жабр чеккан Америка халқи, Президент Жорж Буш жаноблари, АҚШ Конгресси, мамлакатнинг Қуролли Кучлари, махсус хизматлари Американинг бутун куч-қудратини терроризм балосига қарши курашга сафарбар этди. Бу йўлда кўплаб давлатлар билан каолиция тузиб, Афғонистон ҳудудига жойлашиб олган террорчи газандаларга, уларнинг марказ ва полигонларига (Афғонистон халқига эмас!) қарши уруш очиб, Толибон ҳаракати олдига:

— «Ал-Қоида» террористик ташкилоти раҳбарларини ушлаб бериш;

— террорчи гуруҳлар тайёрлайдиган барча база ва полигонларни бутунлай йўқ қилиш;

— Афғонистонда паноҳ ва ҳимоя топган халқаро террорчиларни тегишли давлатларга топшириш ва бундай тўдаларни асло қувватламаслик каби талабларни қўйди.

Бу ҳаққоний талаблар терроризм балосидан зиён кўраётган, бегуноҳ қурбонлар бераётган, унинг мудҳиш таъсирини ўз мамлакати ҳаётида сезиб яшаётган бир қанча давлатларнинг қарашларида ҳам ўз ифодасини топди. Жумладан, бундай давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам минтақамизда терроризм ўчоқларининг тугатилишидан манфаатдор эканлигини ҳисобга олиб, режалаштирилган ҳаракатларга биринчилардан бўлиб кўмак беришга жазм этди.

1

Шу кунларда Москвада рўй бераётган воқеалар, яъни террорчилик ҳаракати натижасида тинч аҳоли орасидан бир неча юз нафар кишининг гаровда ушлаб турилиши — халқаро террорчилик қиёфаси ўта даҳшатли эканлигини яна бир бор исботлаб турибди. Дунёнинг турли бурчакларида амалга оширилаётган портлашлар, одамларни гаровга олишлар, қотилликлар бутун инсониятни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этади. Шунингдек, терроризмга қарши халқаро ҳамжамият якдил бўлиб курашиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ўзбек халқи ва Ўзбекистон давлатининг халқаро терроризмга қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига бутун жаҳон аҳли катта баҳо берганлиги ва бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлаймиз. Масалан, 2001 йил 4-5 май кунлари Президентимизнинг Россия Президенти Владимир Путин билан Москвадаги учрашувини оммавий ахборот воситалари кенг ёритди. Ўша кунлари «Независимая газета» москвалик журналист Юрий Егоровнинг мазкур учрашувга бағишланган мақоласини чоп этиб, шундай ёзган эди: **«Бугун Марказий Осиёда юзага келган жиддий вазият Ўзбекистон Президенти 90-йилларнинг биринчи ярмида катта ташвиш билан қилган башорат нақадар тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Ислом Каримов ўша вақтдаёқ Марказий Осиё мамлакатлари хавфсизлиги ва минтақанинг ҳали ёш давлатларида демократик жамият барпо этиш йўлида туғилаётган таҳдидлар хусусида хавотирда эканини яширмаган эди. Ўзбекистон Президенти биринчилардан бўлиб, жамоатчиликни Марказий Осиёга диний экстремизм солаётган хавф ҳақида огоҳлантирган эди. Бу таҳдид бошида Афғонистондаги диний ақидапарастлар ва уларнинг қатор ислом давлатларидаги гумашталари тургани эндиликда барчага яхши маълум. Уларнинг мақсади — дунёнинг сиёсий харитасини ўзгартириб, ўз ҳукумронлигини кенг ёйишдан иборат экани сир эмас. Айнан Афғонистондаги кўплаб ҳарбий лагерлар вазиятни беқарорлаштириш ҳамда зўравонлик билан исломлаштириш ғоясини ёйиш мақсадида жаҳоннинг турли мамлакатларига юборилаётган жангарилар ва террорчиларга бошпана бўлмоқда.**

**Шу боис, диний экстремистларнинг Марказий Осиёда «исломий тартиб» ўрнатиш тўғрисидаги баёнотларига жиддий ёндашиш зарур. Минтақа давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам террорчиларнинг янги хуружига асло йўл қўймайди.»**

Минтақавий хавфсизликдан умумий хавфсизлик томон интилиш ва терроризмга қарши кураш жаҳонда кечаётган кўплаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар моҳиятига айланиб бормоқда. Бугунги замон эврилишлари шуни кўрсатаяптики, алоҳида минтақадаги беқарорлик, шак-шубҳасиз, халқаро хавфсизликнинг бузилишига ва халқаро терроризмнинг авж олишига олиб келади. Демак, танглик ҳолати вужудга келган минтақага қўшни бўлган давлатлар ва минтақалар унинг қандай кечишини, қандай оқибатларга олиб келишини кутиб ўтирмасдан лозим чоралар кўришлари, табиий.

ХХ асрда халқаро муносабатларнинг кўламлашуви ҳамда минтақалашуви юз берди. Халқаро хавфсизликни таъминлаш ва терроризмни тугатиш бугунги халқаро ҳуқуқ нормалари, қоидалари ва принципларига амал қилган ҳолда иш кўришни талаб қилади. Бугунги кунда Ер куррасининг барча минтақасида мавжуд давлатлар минтақавий хавфсизликдан жаҳон хавфсизлиги сари интилмоқда. Халқаро хавфсизликка ялпи хавфсизлик даражаси сифатида қаралиши — уни халқаро ҳуқуқнинг алоҳида бир тизими сифатида шаклланишига олиб келди.

Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи ва терроризмга қарши ҳамжиҳатликда кураш халқаро ҳуқуқ принципларига таянади. Унинг баъзи қоидалари сиртдан қараганда гўё бу муаммоларга алоқаси йўқдек кўринса ҳам, аслида ялпи тинчликни сақлашга хизмат қилишга қаратилган.

Демак, халқаро хавфсизликни таъминлаш ва терроризмга қарши курашнинг асосий йўналишларидан бири — барча давлатлар халқаро ҳуқуқдан, БМТ низоми нормаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни оғишмай бажариши ва умумий халқаро ҳуқуқ тарғиботини тобора мустаҳкамлаб бормоғи лозим. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу принцип алоҳида модда (IV боб, 17-модда) билан белгилаб қўйилган: **«Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва нормаларига асосланади».**

2

Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи ва терроризмга қарши ҳамжиҳатликда кураш бошқа ҳуқуқ тармоқлари каби ўз манбаларига ҳам эга. Асосий манба сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча қонун ҳужжатлари ва БМТ доирасида имзоланган хавфсизлик масаласига доир шартномалар, конвенциялар, битимлар ва халқаро декларацияларни келтириш мумкин.

Иккинчи яна бир муҳим манба — Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотлари доирасида хавфсизликка ва халқаро террористик ҳаракатларга қарши курашга оид қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларидир.

Минтақа давлатларининг хавфсизлик ва терроризмга қарши кураш борасида биргаликда имзолаган ҳужжатлари ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам шундай манбалар қаторига киради. Бу манбаларни ўрганиб, уларнинг шарҳига назар ташласак, хавфсизлик ва терроризмга қарши кураш борасида яратилган ҳужжатларга бўлган диққат-эътиборни янада кучайтириш лозимлиги талаб этилмоқда. Чунки, халқаро хавфсизлик ва терроризмга қарши кураш ҳуқуқи ҳануз барча соҳаларни тўла қамраб ололгани йўқ. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор: иккинчи жаҳон урушигача аксарият давлатлар мустамлакачилик зулми остида бўлдилар. Нафақат муайян давлатлар, бутун-бутун минтақалар ҳам ҳақ-ҳуқуқсиз бўлиб қолди. Улар мустақил миллий ва ҳудудий хавфсизлик сари интилишдан маҳрум эдилар. Худди мана шунга ўхшаш ҳолат собиқ иттифоқ таркибидаги давлатлар ҳаётида ҳам содир бўлди. Марказий Осиё давлатлари халқаро майдонда эркин фаолият юритишдан умуман маҳрум этилганди. Улар Халқаро хавфсизликни таъминлашда иштирок этолмасдилар. Шу боиски, мустақилликка эришган давлатлар биринчи навбатда ўзларининг миллий хавфсизликларини таъминлашга киришдилар. Пировардида, Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ тармоғи сифатида шаклланa борди.

Халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг хавфсизликни таъминлашга ва халқаро терроризмни тугатишга қаратилган фаолияти бошқа халқаро ва миллий ҳуқуқшунослик фанларида ҳам талқин этилмоқда. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида умумэътироф этган нормалар ижтимоий тузумидан қатъи назар, барча давлатларнинг ўзлари учун, шубҳасиз, мажбурий деб расман тан олинган қоидалардир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган принципларини тан олишни эълон қилибгина қолмай, балки уларни давлат ички нормаларидан устунлигини ҳам тан олади. Халқаро ҳуқуқнинг, жумладан, Халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг умумэътироф этган нормалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг аксарият бўлимлари, боблари ва муайян моддаларида бевосита ўз ифодасини топган. Чунончи, Жиноят Кодексининг «Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар» деб номланган VII бобида урушни тарғиб қилиш (150-модда), агрессия (151-модда), геноцид (153-модда), ёлланиш (154-модда) каби жиноятлар учун жиноий жавобгарликлар кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоиз бўлади: халқаро терроризмга қарши кураш ва Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи кенг қамровли тушунча бўлиб, хавфсизликнинг турли принципларини ўз ичига олади. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда Марказий Осиё минтақасидаги ҳудудларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солувчи турли можароларни тинч йўл билан ижобий ҳал қилиш учун халқаро хавфсизлик ва терроризмни тугатиш ҳуқуқларини бошқа ҳуқуқ тармоқларига қараганда кўпроқ ислоҳ қилиш, ҳамда унинг хавфсизликни таъминлаш доирасини кенгайтирувчи янги ўзгартиришлар билан бойитиб бориш эндиликда давр тақозосидир.

Айни пайтда мавжуд ҳар бир давлат ҳам ўз миллий хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги барча қонун ҳужжатларини Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи ва унинг принципларига қатъий риоя қилган ҳолда мослаштириб бориши ва шу асосда ўз ички қонунларини янгидан белгилаб олиши жоиздек кўринади.

■ **Абдусалом НОРБОЕВ, Тошкент давлат юридик институти доценти, юридик фанлар номзоди**

3

## ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ:

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Венгрия Республикаси 1991 йилнинг декабрь ойида биринчилар қаторида Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 2002 йилнинг мартида эса мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига ўн йил тўлди.

Давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкамланишида Венгриянинг собиқ президенти Арпад Гёнцнинг 1997 йилда Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи муҳим ўрин тутади. Ташриф давомида имзоланган қатор битим ва ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилди.

Айни чоғда таъкидлаш жоизки, Венгрия ҳукумати Ўзбекистонни Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласида бош давлат ҳисоблайди, мамлакатимизнинг тинчлик ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлайди.

Ҳар иккала томон ҳам ўз иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратади. Ҳукуматлар ва вазирликлар ўртасида амалга оширилган ташрифлар мамлакатларимизда ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўламини кенгайтириш истаги борлигини яна бир бор исбот этди.

Давлатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ишида кенг имкониятлар яратилгани Ўзбекистон ва Венгриянинг савдо-иқтисодий алоқалари давлатлараро муносабатларда асосий ўрин тутишидан далолат беради.

БУГУНГИ БУДАПЕШТ



Айни пайтда, Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритаётган ўзбек — венгер қўшма корхоналарининг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бугунги кунда республикамизда венгриялик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган ўн иккита ва юз фоиз венгер ишбилармонлари сармоялари асосида очилган тўртта корхона қишлоқ хўжалиги техникаси, турли қотишмалар, сейфлар ва зирҳланган маҳсулотлар, салқин ичимликлар, чорва ем-ҳашаклари, кир ювиш воситалари, калава-ип ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда сайёҳлик соҳаларида иш олиб бормоқда.

Венгрия халқи ўзининг тарихи, маданияти, миллий қадриятларини асраб-авайлаб келмоқда. Мамлакатда мавжуд 1260 та музей ва галереяларда нафақат Венгриянинг тарихи, балки жаҳон маданияти ва тарихига оид қадимий ёдгорликлар сақланиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Венгрия ўртасида икки томонлама алоқаларни барча соҳаларда ривожлантириш учун ҳамма шароитлар мавжуд. Айни пайтда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Венгрия Республикасига ташрифи, шак-шубҳасиз, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланишида яна бир муҳим қадам бўлади.

■ **Баҳром ШАРИПОВ, «Жаҳон» АА**




## ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Пентагон Ироққа қарши ҳарбий операцияга фаол тайёргарлик кўрмоқда. Бироқ жанговар ҳаракатларнинг қачон бошланиши ҳозирча аниқ эмас.

Пентагон вакилларининг фикрича, ёзда Ироқда уруш олиб бориш анча мураккабликлар туғдиради. Негаки, уруш давомида душман томонидан қўлланиладиган кимёвий ва бактериологик қуроллардан шахсий таркибни ҳимоя қилувчи воситаларни жазирамада кийиб юриш анча мушкул.

## ТРАНСПОРТ СОЛИҒИ ОШИРИЛАДИ

Транспорт ҳақидаги қонунни иккинчи ўқишда қабул қилган Москва шаҳар думаси транспорт солиғини янада кўтаришга қарор қилди. Унга кўра, келгуси йил 1 январдан бошлаб, двигатели 100 от кучидан 150 от кучигача тенг бўлган енгил автомобилларга солинадиган солиқ меъёри 10 рублдан (қонунни биринчи ўқишда шундай белгиланганди) 15 рублга (ҳар бир от кучига) кўтарилди.

## САЙЛОВЛАРГА ҚАНЧА МАБЛАҒ САРФЛАНАДИ?

Келгуси йил декабрда Россия Давлат думасига сайловлар бўлиб ўтади. Шунингдек, президент сайловлари ҳам. «Единство» фракцияси мажлисида Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков мазкур сайловларга қанча маблағ сарфланишини маълум қилди: Давлат думаси учун бўладиган сайловларга 3,5 миллиард рубль, президент сайловларига эса бюджетдан 4,9 миллиард рубль ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Вешняковнинг таъкидлашича, президент сайловлари икки турда ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси барча сайлов комиссиялари харажатларини федераль бюджетдан молиялаштиради.

## ТАҚИҚЛАШНИ СЎРАДИ

Туркия бош прокурори мамлакат Конституциявий судига мурожаат этиб, «Адолат ва тараққиёт партияси» фаолиятини тақиқлашни сўради. Партия фаолиятига қарши қандай айбловлар эълон қилингани ҳозирча номаълум. Бироқ шу нарса маълумки, жамоатчилик фикрини ўрганиш сўровномасида аниқланишича, 3 ноябрга белгиланган умумий сайловлар олдидан бу партиянинг рейтинги юқори чўққига кўтарилиб олган, дейилади Reuters ахборот агентлиги тарқатган хабарда.

## ПРЕЗИДЕНТ КАСАЛЛИГИ САБАБЛИ...

Чехия Президенти Вацлав Гавел касаллик хуружи сабабли чоршанба ва пайшанба кунги иш режимини бекор қилишига тўғри келди. Давлат бошлиғининг матбуот котиби Ладислав Шпачекнинг хабар беришича, Президентнинг юқори нафас йўллари яллиғланган. Шунинг учун шифокорлар ундан ишдан ажралган ҳолда даволанишни сўрашган.

Вацлав Гавел давлат бошлиғи лавозимига келгандан бери, яъни 1993 йилдан буён 16 марта, жами 200 кундан ортиқ шифохонада ётган. Охирги марта жорий йил июль ойида шифохонада даволанган. Ўшанда унинг Францияга ташрифи қолдирилиб, Чехия пойтахтидаги марказий ҳарбий госпиталига ётқизилган эди.

Гавел собиқ чекувчилардан ҳисобланади. Шифокорларнинг талаби бўйича бундан бир неча йил муқаддам сигарет чекишни ташлаган.

## «ФИЛЛАР ЭРКИНЛИКДА ЯШАСИН!»

Буюк Британиянинг жониворларни ҳимоя қилиш клуби аъзолари Европа ҳайвонот боғларида сақланаётган барча филларни озодликка чиқаришни талаб қилишмоқда. Уларнинг сўзларига қараганда, филлар табиий эркинликда яшаганига қараганда сақловда кўп касал бўлишаркан ва кам умр кўришаркан. Буни Оксфорд университети олимлари олиб борган тадқиқотлар ҳам тасдиқламоқда. Илмий кузатувларга қараганда, филлар ҳайвонот боғларида ўртача 15 йил умр кўрса, бу кўрсаткич табиий шароитда 60-65 йилни ташкил этади.

Бугунги кунда Европа ҳайвонот боғлари ва циркларида 500 атрофида фил сақланмоқда.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

**1,8,15,22,29 ноябрь кунлари кимошди савдоларини ўтказади.**

**Савдога қуйидаги объектлар қўйилади:**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

**Ҳар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўм.**

Кимошди савдосига аризалар қабул қилиш савдолар бошланишидан уч кун олдин тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида гаров пули тўланади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.**

# СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

**ЖАН-ЖАК РУССО — ФРАНЦУЗ ЁЗУВЧИСИ ВА ФАЙЛАСУФИ. 1712-1778 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:**

- Улкан ҳодисаларгина улкан одамларни яратадилар.
- Биров юз ёшга кириб ўлса-да, аслида, туғилганидаёқ ўлган.
- Ҳаёт ўзича ҳеч нарса эмас; унинг баҳоси ундан фойдаланилишига боғлиқ.
- Бу қандай содир бўлади билмайман-у, бироқ, фирибгарлик кўпроқ айни рўйхатлар ва ҳисоб юритиш китоблари кенг урф бўлган ишларда юз беришлигини яхши биламан.
- Оқил қонун чиқарувчи ишни қонунлар яратишдан эмас, балки, уларни мазкур жамият учун яроқлилигини ўрганишдан бошлайди.
- Ҳур халқлар! «Эркинликни қўлга киритиш мумкин, аммо, унга қайтадан эришиб бўлмайди», — деган қоидани унутманг.
- Одамлар, инсоний бўлинглар! Бу сизнинг биринчи бурчингиз. Барча ҳолатлар, барча ёшдагилар, инсонга бегона бўлмаган барча нарсалар учун шундай бўлинглар.
- ...Маъшуқага муҳаббатдан юз маротаба жўшқин ва ёқимли бўлган ватанга муҳаббатни ҳам фақат тотиб кўрганингда биласан.
- Яшамоқ, бу — нафас олиш эмас, ҳаракат қилмоқ демак.
- Ҳамма замонларда ўз асри, ўз мамлакати ва ўз жамиятининг қарашларига бўйсуниш пешонасига битилган одамлар бўладилар. Бугун биров ўзини ҳурфикрли ва файласуф қилиб кўрсатмоқда; ушбу сабаб боис, у, албатта, Лига (Иттифоқ) давридаги мутаассиб бўлган бўлур эди.
- Адашишга минглаб йўллар элтадилар, ҳақиқатга — фақат биттаси олиб боради.
- Мен, ўз туғма фаҳмлашимга биноан, ҳақиқат томонини қабул қилдим, ва, мен нимагаки эришмайин, битта мукофот мени тарк этмайди — мен уни қалбимнинг тубидан топаман.
- Менинг ишим — ҳақиқатни айтиш, аммо, унга ишонишга мажбур этишда эмас.
- Ҳақорат — ноҳақларнинг далиллари.
- Тийилиш ва меҳнат — мана инсоннинг иккита ҳақиқий табиблари: меҳнат унинг иштаҳасини очади, тийилиш эса унинг суиистеъмол қилинишига тўсқинлик қилади.
- Адолатсизликни кўриш ва чурқ этмаслик, бу — унда иштирок этмоқ демак.
- Ҳалол-пок кишининг виждонли кўзи муттаҳамларни ҳамиша хавотирлантиради.
- Одамлар табиатан ялқовдирлар; бироқ, меҳнатга жўшқин интилиш, бу — обод жамиятнинг биринчи меваси; ва агар халқ тағин ялқовлик ва лоқайдлик ҳолатига тушиб қолса, бу, яна бир карра, меҳнатга энди у арзийдиган нархни тўламаётган худди шу жамиятни ўзининг адолатсизлигидан келиб чиқади.
- Барча ижтимоий ҳолатлар ичида тақдир ва одамларга энг боғлиқ бўлмагани — ҳунармандлар аҳволи.
- Инсоннинг тарбияси у туғилган пайтдан бошланади; у ҳали гапирмайди, ҳали қулоқ солмайди, аммо, ўрганаётир. Тажриба таълимдан олдин келади.
- Ҳар қандай бекорчи фуқаро — ўғридир.
- Одамлар қанча кам билсалар, уларга билимлари шунча кенг бўлиб туюлади.
- Илк тарбия ҳаммасидан муҳимроқ, ва бу илк тарбия, шубҳасиз, аёлларга таaллуқли.
- Яхши тарбиянинг фазилатлари ҳақида кўп фикр юритадилар. Ундан мен талаб қилишни хоҳлаган биринчи нарса, — у кўплаб бошқаларини ҳам тақозо қилади, бу — сотқин киши бўлмаслик.
- Бир соат иш бир кунлик тушунтиришдан кўпроқ нарсага ўргатади, негаки, агар мен болани устахонада машғул этсам, унинг қўллари миясининг фойдасига ишлайдилар: ўзини ҳунарманд ҳисоблаган ҳолда, у файласуф бўлиб етишади.
- Одамдан, уни инсон қилиб етиштиришдан олдин, файласуфни етиштириш бутунлай шарт эмас.
- Эркинликсиз ватаннинг, фазилатларсиз эркинликнинг, фуқароларсиз фазилатларнинг бўлиши мумкин эмас. Агар фуқароларни тарбияласангиз сизда ҳамма нарса бўлади; сизда бусиз, ҳамма давлатдаги ҳукмдорлардан бошлаб, ҳамма ночор қулларгина бўладилар.
- Ҳаётнинг илк дақиқаларидан бошлаб, яшашга муносиб бўлишга ўрганмоқ лозим.
- Билимсизликнинг ҳеч қачон ёмонлик қилмаслигини ёдда тутинг; фақат янглишмоқгина ҳалокатлидир. Одамлар билимсизликлари туфайли эмас, балки, ўзларига, биламиз деб, бино қўйганликлари учун янглишадилар.
- Китоб ўқишни суиистеъмол қилиш илмни ҳалок қилади. Китоб ўқишга ҳаддан ташқари берилиб кетиш ўзига бино қўйган нодонларнигина вужудга келтиради.
- Эҳтирослар қанчалик жазавали бўлсалар, уларни тийиб туриш учун қонунлар шунчалик зарурдирлар.
- Куч ҳуқуқни яратмайди, ва одамлар фақат қонуний ҳокимиятга итоат этишга мажбурлар.
- «Қуллик» ва «ҳуқуқ» сўзлари бир-бирларига зиддирлар; улар бир-бирларини истисно этадилар. «Мен сен билан тўла сенинг ҳисобингдан ва тўла менинг фойдамга битим тузаман, менга қанча лозим бўлса, унга шунча риоя қиламан, ва унга сен ҳам, бу менга қанча мақбул бўлса, риоя қиласан», — деган сўзлар, уларда одам билан одамнинг ёки халқнинг муносабатлари назарда тутилганлигидан қатъи назар, ҳамиша ҳеч қандай маънога эга бўлмайдилар.
- Қонунлар, бу — фуқаролар уюшувининг шартигинадирлар. Қонунга итоат этувчи халқ унинг ижодкори ҳам бўлмоғи лозим: уюшмага кираётганларгагина яшаш шартларини белгилаш жоиздир.
- Дабдабабозликни, унга қарши қонунлар билан жиловлагандан кўра, унинг олдини, вужудга келишига йўл қўймайдиган бошқарув ёрдамида, олган афзал.
- Жамият муштараклигига путур етказадиган барча нарсалар ҳеч нимага ярамайдилар; одамнинг ўзини ўзи билан зиддият ҳолатига қўювчи барча қоидалар ҳеч нимага арзимайдилар.
- Кишини ирода эркинлигидан маҳрум этиш — унинг ҳаракатларини ҳар қандай ахлоқийликдан маҳрум этиш демак.
- Қулликда туғилган ҳар қандай одам қуллик учун туғилади; ҳеч нима бундан тўғрироқ бўлмайди. Кишанларда қуллар ҳамма нарсани, озод бўлиш истагигача, йўқотадилар.
- Ҳар қандай ҳокимият — Худодан, мен буни эътироф қиламан; бироқ, ҳар қандай хасталиклар ҳам Ундан-ку: бу табибни чақириш тақиқланган деганими?
- Одамлар ҳамиша ўз фаровонликларига интиладилар, аммо, уни нимада эканлигини ҳамиша ҳам кўравермайдилар.
- Агар мазкур атамани унинг аниқ маъносида олинса, чинакам демократия ҳеч қачон бўлмаган, ва ҳеч қачон бўлмайди. Кўпчиликнинг бошқариши ва озчиликнинг бошқарилиши нарсаларнинг табиий тартибига зиддир. Халқнинг, жамият ишлари билан машғул бўлиб, ўзининг бутун вақтини мажлисларда ўтказишини тасаввур этиш қийин, ва бунинг учун қандай бўлмасин ҳайъатларни, бошқарув шаклининг ҳам ўзгаришига йўл қўймаслик мақсадида, таъсис этмаслигининг мумкин эмаслигини кўриш осон...
- Жамиятга хизмат қилишнинг фуқаролар учун асосий иш бўлмай қолиши ва улар унга, шахсан ўзлари эмас, балки, ҳамёнлари билан хизмат қилишни афзалроқ кўра бошлашлари заҳотиёқ, — энди давлат бузилиб кетишга яқин.
- Агар худолардан ташкил топган халқ бўлганида эди, у ўзини демократик тарзда бошқарган бўларди. Аммо, бундай баркамол бошқарув одамларга тўғри келмайди.
- Халқ ўзининг барча ҳуқуқларини қандайдир бир сайлаб қўйиладиган идорага буткул ва тамомила топшириб қўйиши учун мазкур идора фақат фариштлардан ташкил топган бўлмоғи лозим. Уларда ҳам, одамларни бошқаришга киришишлари биланоқ, тирноқлар ва шохлар ўсиб чиқадилар.
- Забт этиш осон, бошқариш қийин.
- Пул ҳукмронлик қиладиган барча ерларда, халқ ўз тинчлигини сақлаш учун берган пуллар, ҳамиша, унинг ўзини асоратга солишга қурол бўлиб хизмат қилмоқдалар; бугун у ўз ихтиёри билан тўлаётган пуллар ҳам эртага уни яна пул тўлашга мажбур этиш учун фойдаланилмоқда.
- Зўравонликка асосланган ҳамма ҳукуматлар кулгили зиддият ҳолатига тушиб қоладилар: халқларни заифлик ҳолатида ушлаб туришни истаб, ҳукуматларнинг ўзлари, шунга қарамай, уларнинг ёрдамида кучли бўлишни хоҳлайдилар.
- Ҳар қанақа турдаги имтиёзлар айрим, уларни оладиган, шахсларга фойдалидир, ва уни бераётган миллатга оғир юк бўлиб тушади.
- Қонунчилик ҳокимияти — давлатнинг юраги, ижроия ҳокимияти — унинг мияси.
- Сотқин қалам остидан ҳеч қандай қудратли, ҳеч қандай улкан нарсанинг чиқиши мумкин эмас.
- Менга уларнинг ёрдамида халқнинг феъл-атворига таъсир этиш мумкин бўлган фақат учта қурол маълум: қонун кучи, ижтимоий фикр ҳокимияти ва лаззатнинг мафтункорлиги.
- Оддий халқ билан унинг тилида эмас, балки, ўзининг тилида сўзлашишни хоҳлаган донолар ҳеч қачон унга тушунарли бўла олмайдилар. Бироқ, ҳар хил турдаги кўплаб тушунчалар бор-ки, уларни халқ тилига ўгириб бўлмайди
- Агар барчанинг манфаатларини туташтирадиган нуқталар бўлмаганларида эди, ҳеч қандай жамият тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин бўлмасди.
- Аёллар салтанати, бу — меҳр, нозиклик ва сабр-тоқат подшолигидир.
- Аёлнинг энг биринчи ва муҳим фазилати — беозорлик.
- Эркак киши инсон қалби тўғрисида аёл кишидан яхшироқ фалсафий фикр юритади, аммо, аёл эркаклар қалбидагини ундан яхшироқ ўқийди.
- Агар болалардаги шўхликни ўлдирсангиз, сиз ҳеч қачон доноларни етиштира олмайсиз.
- Болаликни болаликда вояга етказинг.
- Ҳар қандай қаҳр-ғазаб заифликдан келиб чиқади.
- Мақтов кимга ёкса, уни бузади.
- Ҳар бир ёш ўзининг алоҳида мойилликларига эга, аммо, одам ҳамиша қандай бўлса, шундайлигича қолади. Ўн ёшда у — ширинликлар шайдолиги, йигирмада — жазманлик, ўттизда — лаззатланиш, қирқда — шуҳратпарастлик, элликда — хасислик измида.
- Сизни ютиб юборишларига тўсқинлик қила олмасангиз, ҳеч бўлмаганда, сизни ҳазм қилиб юборишларига йўл қўйманг.

**■ Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

***Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.**

---



**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ШЕЪР В ШУУР



## КУЗ ОҲАНГЛАРИ

(ТУРКУМДАН)

1.

*Боғларни куз кезади — титроқ,*
*Елкасида кўчи-кўрони.*
*Илдизидан узилган япроқ*
*Титроғида кўрдим дунёни.*

*Куз оқшоми...*
*Нима ҳам дейин.*
*Ана боғлар! Эзғин-эзғин сўз!*
*Кўзларингга термулган сайин,*
*Кўз ўнгимда гуллаяпти Куз...*

2.

*Сочинг олтин, юзинг гул,*
*Баргинг узилган кўнгил...*
*Ҳаволарда учган сўз,*
*Келдингми, ҳижроним куз?*

*Дунё сокин тасаввур,*
*Қалбим эзғин мусаввир,*
*Мезонларда қолган из*
*Келдингми, ҳижроним куз?*

*Кимнинг бағрида баҳор,*
*Гуллайди шому саҳар,*
*Бизнинг тонглар хазонрез*
*Келдингми, ҳижроним куз?*

3.

*Боғларда ёғар хазон —*
*Фалакнинг тиллолари.*
*Ерни осган ип — мезон*
*Иккимиз гулламадик.*

*Новдаларнинг учида*
*Титрайди сўнгги ҳадик.*
*Борлиқ куз қиличида*
*Чопилди, гулламадик.*

*Ҳажр ёйи тортилди,*
*Теккунча турайлик тик.*
*Кўз ёшингни арт энди*
*Не қипти — гулламадик.*

*Бир даҳшатли фасл бу —*
*Топгани зуғум ва кек.*
*Сўлиш чоғларин насми*
*Эсмоқда, гулламадик.*

*Куз боғининг ҳикмати —*
*Ўлим, ҳаёт эгизак.*
*Сабоғинг бунча тотли,*
*Қачон гуллаймиз, кузак?!*

4.

*Куз бағрида... қайғули назм...*
*Жўнжикамиз. Совуқ — Иддао.*
*Сен ҳеч нарса дема, азизим*
*Кўзларингдан аён муддаонг.*

*Елкаларинг титрайди — йиғи.*
*Тақдиримиз ҳасратга тўлиқ.*
*Умр йўли — кузакнинг тиғи*
*Кўкайимни куйдирди оғриқ.*

*Нима қилдим?..*
*Қай йўлдан юрай?!*
*Қисматимга қуласа осмон.*
*Сенга «хайр» демоқдан кўра*
*Менга ўлмоқ туюлар осон.*

5.

*Чинорлар титради. Кузак ҳамласи —*
*Йўлакда хазонни тўзғитди шамол.*
*Намиққан боғларнинг қайтди нафаси*
*Ёмғирлар шаҳдидан топади завол.*

*Қўлингда шамсия. Чарм ёмғирпўш*
*Ёқасин кўтариб турибсан мулзам.*
*Мен дейман: «Куз келди. Шунчалар нохуш*
*Бошимизда ёғар томчи-томчи ғам...»*

*Хиёл жилмаясан... Сўнгра хайру хуш,*
*Сўзлайсан: «Куз бизга тақдирлигини...»*
*Сезаман эгнингда чарм ёмғирпўш*
*Ҳатто ёлғизликдан оғирлигини...*

---

ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ:

**КАБЕЛЬ**
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШБ, КГ, КВВГ, ТПП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП, и т.д.)

**ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ**
(ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)

**СВЕТИЛЬНИКИ**
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т.д.)

**ЛАМПЫ**
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ и т.д.)



Товар сертифицирован

ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ БЛИЖНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ

700060, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29-д. Дом быта "Узбекистан, 5-этаж Тел./факс: (+99871) 136-01-54, 133-12-84", 120-09-09.

e-mail: gamma-elektro@yandex.ru

8-9127

---

## «ЭСКИ ЖЎВА УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ҳурматли акциядорлар!**

2002 йил 6 ноябрь куни соат 10.00 да «Эски Жўва универсал бозори» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилади.

**Кун тартиби:**

1. «Эски Жўва универсал бозори» ОАЖ ҳудудидаги демонтаж қилинган енгил турдаги модуль ускуналарини жамият балансидан Тошкент шаҳар ИИБ балансига ўтказиш ҳақида.
2. Жамият Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси бозор маъмуриятининг биносида соат 10.00 да бошланади, акциядорларни рўйхатга олиш соат 9.00 дан бошлаб амалга оширилади.

**Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.**

Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2002 йил 26 октябрь ҳолати бўйича ёпилади.

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

---



## «ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 92-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

**Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.**

**1 ТУР**
76
11
12
32
15
75
42
85
89
19
44
9
Сони: 1
4X5 ҳажмдаги гилам
Чипта рақами
50010699.2
**2 ТУР**
63
78
1
30
36
4
17
38
27
29
88
34
80
25
41
68
35
54
Сони: 2
4X5 ҳажмдаги гилам
Чипталар рақами
20007650.1
80020400.2
**3 ТУР**
21
43
46
40
83
77
31
71
73
69
39
Сони: 2
Сумма: 3500000
Чипталар рақами
50009537.3
90014269.3
**4 ТУР**
45
23
67
50
26
56
72
84
57
82
5
74
65
60
16
62
59
51
53
52
64
47
Сони: 2
Сумма: 5000000
Чипталар рақами
10025948.3
60031819.3
**5 ТУР**
18
58
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
20008423.1
80019637.2
**6 ТУР**
66
61
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
20030642.1
40013162.2
90001765.1
**7 ТУР**
22
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
10029972.2
30020419.2
70017186.1
**8 ТУР**
79
Сони: 3
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
40029152.3
70035162.3
80009353.2
**9 ТУР**
33
Сони: 6
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
10035788.3
30010356.1
40027919.1
50032542.2
80008888.1
90002018.1
**10 ТУР**
20
Сони: 7
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
30014520.3
30020835.2
50031319.3
60010637.2
80008905.1
80025965.3
90034724.3
**11 ТУР**
24
Сони: 7
Сумма: 2000
**12 ТУР**
13
Сони: 9
Сумма: 1900
**13 ТУР**
10
Сони: 7
Сумма: 1800
**14 ТУР**
87
Сони: 10
Сумма: 1700
**15 ТУР**
81
Сони: 11
Сумма: 1600
**16 ТУР**
48
Сони: 15
Сумма: 1500
**17 ТУР**
55
Сони: 28
Сумма: 1400
**18 ТУР**
28
Сони: 34
Сумма: 1300
**19 ТУР**
3
Сони: 144
Сумма: 1200
**20 ТУР**
14
Сони: 152
Сумма: 1100
**21 ТУР**
7
Сони: 396
Сумма: 1000
**22 ТУР**
86
Сони: 505
Сумма: 900
**23 ТУР**
6
Сони: 973
Сумма: 900
**Қўшимча тур**
Сони: 25
Сумма: 900
**Халтадан чиқмаган шарлар:**
**2, 8, 37, 49, 70, 90**

### "Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 14 ноябрдаги 95-тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:




"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

***Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.***

---



## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

*2002 йил 28 ноябрь, 5,12 декабрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:*

1. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Проектная кўчаси, 10-уйда жойлашган «Ўзкоммуниссиқликтаъмир» АЖнинг ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 195126,8 минг сўм.**

2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги, «Тошкентмелиосувқурилиш» трестига қарашли «7-сонли кўчма механизациялашган колоннаси» МЧЖ Низом жамғармасининг 90 фоизи.

**Бошланғич баҳоси — 79816,6 минг сўм.**

3. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги, «Сирдарёсувқурилиш» трестига қарашли «Гулистон махсус механизациялашган кўчма колоннаси» МЧЖ Низом жамғармасининг 90 фоизи.

**Бошланғич баҳоси — 68489,1 минг сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Имкониятингизни бой берманг!**

Савдоларда қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

*Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси. Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com**

---

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимияти томонидан 2000 йилда Тўраев Қобил номига берилган 1105685 рақамли тадбиркорлик ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «ELEKTR TARMOQLARINI QURISH, TA'MIRLASH» МЧЖга тегишли бўлган муҳр ва штамп йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

---

**BOSH MUHARRIR**
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI**
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO'LIMLAR:**
Siyosat, partya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 971

11205 nusxada bosildi

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA